



БОҚИЙ МИРЗО

ХАЗИНА ЭГАСИ

ҒОР ДЕВОРИДАГИ ТОКЧАДА КАТТАКОН ИЛОН КУЛЧА БЎЛИБ
ЁТАР, БАЪЗАН БОШИНИ КЎТАРИБ ТИЛИНИ ЧИҚАРАР, ИНСОН БОЛАСИ
ҚАДАМ РАНЖИДА ҚИЛГАНИДАН БЕЗОВТАГА ЎХШАБ КЎРИНАРДИ...



БОҚИЙ МИРЗО

ХАЗИНА ЭГАСИ

Р О М А Н



Боқий МИРЗО

ХАЗИНА ЭГАСИ

Саргузашт қисса

НАМАНГАН - 2018 йил

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Академик Боқий МИРЗОнинг навбатдаги қиссаси мавзунинг алоҳида қирраларини ўзига хос тарзда очиб бериш билан ажралиб туради.

Ёшлигидан хазина топиш орзуси билан яшаган Асрор катта бўлганда муддаосига етади ва характеридаги иллатлар очила бошлайди. Хазина бойликка ўч, пул учун ҳамма ёвузликдан қайтмайдиган гуруҳлар қўлида ўйинчоқ бўлаётган дамларда ички ишлар органлари уларнинг изига тушади. Аҳдида собит турган майор Набиев бошлиқ тезкор гуруҳ аъзолари жонбозлик кўрсатиб, хорижга олиб чиқиб кетилаётган катта хазина ва санъат асари даражасидаги ноёб тақинчоқларни асраб қолишади. Ватан олдидаги муқаддас бурчларини сидқидилдан адо этадилар.

Асардаги ҳаяжонли, ички ишлар ходимларининг жонбозлигини кўрсатувчи кескин воқеалар сизни ҳам ҳаяжонга солишига ишонамиз, ахиз мухлис!

Биринчи қисм.

1.

Асрор ғорга кираверишда оппоқ кийимдаги, юзидан нур ёғилган чолни кўриб, Ҳизр бобони эсладию, эгилиб салом берди. У қоидаси билан алиқ олди.

- Келяпсанми?!

Асрор таажжубда. Бобо сирли нигоҳ билан олдига имлади. Кийими ичидан таралаётган тиниқ нур йигит кўнглидан кўркувни кувиб чиқарди.

- Хазина бу ерда эмас!

У “Қаердалигини биласизми?” дегандай кўзига тикилди. Бобо ёнидан қоғоз билан патқалам чиқариб, йўллар, тоғлар, оқин сув ва илон тасвирини туширди.

- Шунга қараб юрасан!

Сўнг шивирлади: “Ҳеч ким билмасин!”

Асрор бободан қоғозни оларкан, тушундим дегандай бобо томон қарадию, чўчиб кетди.

У ғойиб бўлганди...

Йигит музга айланишига бир баҳя қолди. Ўша гап қулоғи остида сирли садодай жарангламоқда: “Ҳеч ким билмасин!”

“Билмайди!” деган заҳоти у нотаниш оламдан қайтди.

- Хўжайин, сизга нима бўлди?

У уйғонганини ҳис қилиб, хотинига хавотир билан қаради.

- Ким билан гаплашяпсиз, мендан бошқа одам йўқ-ку!

- Тушимда... – Асрор хотинига гапиргиси келмай ваннахонага чиқди. Ювиниб бўлгач, тушини эслади ва руҳияти нурланиб ўз дунёсига қайтиб чиққанини ҳис қилгандай бўлди.

Бундай тушни биринчи кўриши. Муҳими, хазина топиш ҳақидаги орзуларига мос, мўъжизанинг ўзи! Кўнгли баҳордай ёришди. Кафтидаги стрелка - чизик тоғни кўрсатарди. Кафтини тескари қилиб яна ўнглади: яна тоғ тарафга қараган! “Компасдан фарқи йўқ-а!” – ўйлади у.

Аллоҳ бугун яхши туш билан руҳиятини нурлантириб, орзу ичидан армон оғусини тортиб олгандай эди.

Тушини руҳият қасрига яширди, ёқимли хаёллар суриб, умр китобидан янги саҳифа очилаётганини сезиб турарди.

Юрагида кувонч, ширин туйғулар, орзу азобини енгадиган куч ва шиддат туғилди. Вужуди бардам, руҳи тетик. Қандай ишга қўл урса, бир нафасда қотириб ташлайдигандай, ғайрат-шижоати тошиб турибди.

Асрор Наволага уйлангандан бери икки нарсани ўйлайди: хазинани тезроқ топсам, ўғил кўрсам...

Ўғил кўришни орзу қилмаган йигит йўқ, аммо у болалигида Европа ва Америка ёзувчиларининг тилла изловчилар ҳақидаги китобларини ўқирди, улар бойиб, машҳур бўлиб кетганлари ҳақида кўп ўйлар ва орзу қиларди. Ўзини қаҳрамонлар ўрнига қўйиб яшагани учун тенгқурларига кам кўшилар, ҳатто шўхлик қилишга вақти бўлмаган. Меъеридан ортиқ хаёлпараст боладан ташвишланган ота-онаси докторга кўрсатишган. Руҳий хасталик белгиси йўқ, аммо уни доимий кузатиб юришган. Ўсмирлик сиргоҳига ўтса ҳам хаёлпарастлиги йўқолмади. Ёшлиқда ҳам ўша қаҳрамонлар каби ғордан катта хазина топиш хаёли тарк этмади. Аввал хаёл завқ берган бўлса, энди “Хазинани қачон топаман?” деган савол изтиробга соларди. Орзулар қалбдан, режалар миядан нари чиқмаётгани катта ташвиш. Хазинани излай деса, нишонаси йўқ, қайси тоғнинг қайси ғорига кирсин? Ёки қайси аждодининг ҳовлиси бурчагига кўмиб ташланган бўлса экан?! Худо белги кўрсатмади. Шундай бўлса ҳам у орзу-ниятидан воз кечмади. Чунки ҳали топилмаган хазина, ҳаёт мазмунига айланиб бўлган!

Орзу саройидаги тилла тангалар, тақинчоқлар, подшонинг олмос кўзли тожлари юрагини завқ-шавққа тўлдиради, куч беради, интилишларини кучайтиради. Баъзан хаёллар сўнггида эрта-индин хазина топиладигандай ичига сиғмасдан даст ўрнидан туриб кетади, эчкидай ирғишлайди...

Уйлангач, олти ойдан кейин орзулари ҳақида хотини Наволага айтди. Аёл мийиғида кулди. Аммо ишонч, завқ-шавқ билан гапирётганини кўриб, бойлик нақддек кўнглини ёрита бошлади. Тиллага қайси аёл қизиқмайди?!

Асрор баъзан тушида хазина топиб олади, бир неча кун хотинига айтмайди. Аммо бошқа ҳамдарди йўқлиги учун гапирганини билмай қолади.

Турли лойиҳалар тузади. Аммо кўринмас тўсиқларни ҳис этиб, улардан воз кечади.

Беш йилдирки, фарзандсиз. Муолажалардан натижа йўқ, хотинига дардини айтмайди. Оилада “Ичидан пишган” деган лақаб олганини ҳамма билади.

Навола баъзан кўз ёш қилади:

- Сиз бошқани севасиз, мен билан ишингиз йўқ!

Ўзини камситилган сезиб, ажрашиш ҳақида режалар тузган, бироқ Асрорнинг ҳаётида бошқа аёл йўқлигини билади. Бойлик ҳақида хаёллар суравергани учун томи кетган деб ўйлашдан ўзини тиёлмайди.

Асрорнинг ошна-оғайнилари суннат тўйлари қилиб, сўнгги русумдаги енгил машиналар миняпти. У эса суғурта идорасида оддий ходим, кўшимча даромад ҳақида ўйлаб кўрмайди, отамерос уйдан бошқа ҳеч вақо йўқ, хазина топишни ўйламай иложи йўқ. Аммо қачонгача бундай сиқилиб яшайди? Йиллар ўтаяпти, сочларига оқ оралагандан кейин орзу ҳаваслар сўна бошлайди, армон улғаяди... Кераксиз одамга айланишни ўйлаб ларзага тушади...

Шундай кунларнинг бирида хосиятли туш кўргани айна муддао бўлди.

Туш - нақд хазинадай кўнгли ёришди. Бироқ ҳали кўлида ҳеч вақо йўқ....

2.

- Оғайнилар билан тоққа чиқамиз!

Навола кутилмаган режадан ҳайрон қолиб, эрига “ялт” этиб қаради. Башарасида дам оладиган сиёки зухур эмас, муҳим сирни яширгандай писмайиб гоҳ ерга қарайди, гоҳ атрофга олазарақ. Навола ғижиндию, савол бермади. Унга ачингандай енгил хўрсинди: “Фарзандимиз бўлганда очилиб юрармиди?!” - кўнглидан ўтказди.

Асрор ҳар сафар кафтига қараса, хазинани топишга имони комилдай, ҳозир бир сўз айтса, кўнглидагини хотини билиб қоладигандай хонасига кириб кетди..

Эрталаб Навола унинг сирли режаси борлигини сездию, охири бахайр бўлсин дея кўнглидан ўтказди. Ишга кетаётганда эри ўз хонасида сафар халтасини тайёрлаш билан банд эди.

3.

Асрор тушгача тинмай йўл юрди, тоғ яқинидаги қишлоқ ошхонада тамадди қилиб, халтадаги емишни эрталикка асради. Кечга яқин эски, кўримсиз чойхонага кириб бир кеча тунаш учун жой сўради.

- Майли, - деди чойхоначи унга ҳайрон қараркан,- ўзингиз якка кўркмайсизми?

- Кўрқишдан кечроқ туғилганмиз...

Аслида, бошқа имкони йўқлиги учун ўзини дадилликка солаётган эди...

Нонуштадан кейин чойхоначи дуо қилди:

- Сафарингиз беҳатар бўлсин!

Тушга яқин иссиқ кучайди. Кўм-кўк арчалар, ўт-ўланлар, хушовоз кушлар, дам осмонни қоплаб, дам тоғ ортига йўқолаётган оппоқ булутларга парво қилмай кетаётган Асрорнинг қалбида умид ва ҳаяжон, катта бойлик иштиёқидан бошқа нарса йўқ эди.

У довондан ўтгач, кафтига қаради, ўқ ўрмонга етакларди. Энди уни ёввойи хайвонларга учраб қолиши хавотири безовта қила бошлади. Энг баланд ва улкан арчага етганда дам олгиси келди. Аммо қовжираган ўтлар

орасидан ўрмалаб келаётган бир қулоч илонни кўрдию, ваҳимаси кучайди: Ташланиб қолса-я!

Ундан нигоҳини олиб қочди. Илоннинг бир нуқтада тўхтаб қолганидан фойдаланиб, кафтига қаради.

Ўнгга ярим соат юргач, энгашиб кириладиган ғорга етди. Хазинага шу ердан кирилади деган фикр миясига урилдию, ғайрат жўш урди. Умид билан уч-тўрт қадам босаркан, намхуш ҳаво кайфиятини кўтарди. Атроф ёруғ. Ёруғлик тошлар орасидан келяптими, ғорнинг боши ё охиридан киряптими – билиш қийин. Деворда йилтираган ранг-баранг тошлар сирли жимжима билан ҳаяжонга соларди. Мўъжизага дуч келгандай атрофни кузатаркан, узок йиллик орзулар рўёби қувонч ва кўрқув ҳисси туғдирганини ҳис қилади.

Деворнинг намиққан жойларини бахмал ўсимликлар қоплаган. Қадам товушлари шифтга урилиб ваҳимали овоз чиқарар, Асрор қаҳрамонлардай одим ташларди. Оёқ ости катта-кичик тошлар, қуриган шохлар, хашакка айланган ўтлар билан тўла. Девор остидаги ғаройиб харсанглар зимдан кузатаётган одамга ўхшайди. Асрор тўғри кетаётганига ишонч ҳосил қилиб, қадамини тезлаштирди.

Ғорда юриш ҳадисини олганда ёруғлик кўринди. Аммо у кейинги ғорга ўтадиган оралик эди холос.. Иккинчи ғор аввалгисидан тор ва пастроқ эди. Стрелка ғорга бошлади!

Асрор ҳайратда: ҳовлида яшашганда хотини ёнида юрмаса тунда х=ожатга чиқолмасди, ҳозир қоронғи ғорда ёлғиз кўрқмаяпти-я! Нега? Хазина туйғуси хуруж қилиб, кўрқувни унутдими? Эҳтимол, беғубор болалик орзуси нотавон бандани баҳодирга айлантирдимикин?!

Бирдан ғаройиб манзарага дуч келди. Тепадан тушаётган улкан тиниқ сув ғор ичкарасига оқар, остида кўм-кўк тошлар, рангли жисмлар ялтирар, каби таассурот қолдирарди.

Мўъжаз чорраҳа олдида стрелка оқимга қараб юришини маслаҳат берарди. Муздек сув сонигача кўмди. Қоятошларни ушлаганча манзилга яқинлашиб боради. Ярим соатда эллик метрча йўл босди холос. Ажабки, ғорнинг ичкарасига кирилган сари ёруғлик чекиниб, қоронғулик қуюқлашарди.

Атроф икис ёришди: ғор тўғрисида катта туйнук бор! Сув тезлашяпти. У титраб кетди ва тошларга маҳкам ёпишди.

Кутилмаганда тепасида алланарса оқариб, атрофни ёритгандай, юрагида ваҳима уйғотди.

Идроки шошиб қолди, ярқираш такрорлангач, кўрқа-писа у томонга қаради. Тош ёриғига санчилган ханжар совуқ ярқирайди. Ҳозиргина Кўнглига бостириб кирган ваҳима ўрнини қизиқиш забт этдию, ханжарни олиш фикри уни ҳаракатга солиб қўйди. Аммо қўли етмади. Бироқ сувда аранг тургани учун кўтарилиш бефойда. Ён-веридан тош кўчириб оёғи тагига кўйишга яккалик қиларкан.

Тўсатдан сув кўтарила бошлади, у ханжарга яқинлашарди. Яна озгина кўтарилса, қуролни олади!

Аммо жарга шовуллаб оқаётган улкан сувга кўшилиб, парча-парча бўлиб кетиш ваҳимаси билан ўзини кўлга олди. У жон-жаҳди билан ханжар томон сузаркан, танаси кўмилиб, нафас олиши қийинлашарди. Энди таваккал қилишдан бошқа иложи қолмади.б, оёқларини қояга тираб кўтарилди-да, ханжарни суғуриб олди! Сўнг сувга кўмилиб оқа бошлади. Гирдоб ҳайбати билан кўшилган ваҳимали мусиқа Асрорга куч берар, паҳлавон сингари жасорат кўрсатишга ундарди. Акс ҳолда бошини тук босган илон киёфасидаги ёвуз руҳ ҳушини олиб кўярди.

Калласи шифтга урилди! Ҳаёти хавф остида. Ҳар тарафдан бостириб келаётган сув ҳаётини хавф остида қолдириб, ваҳима соларди. Ҳаво етмай хансирайди. “Эй, худо! Мушкулумни осон қил! Кимсасиз ғорда ўлиб кетмай, ниятимга етказ!”

Момоси ўргатган дуо ёдига тушди: “Аллоҳумма хирлий ваҳтарлий вала таклиний ила нафси тафтарта аайнин”.

Дуони уч марта такрорлагач, ёруғлик кўринди. Сув ўша томонга оқиб тушар, олдини улкан тошлар тўсгани учун баланд кўтарилаётган эди.

Тўртбурчак тешик олди айлана ғордан иборат.. Сув тўпланиб, жарликка шаршара бўлиб оқаётгани овозидан билиниб туради.

Сув ғор шифтига яқин қолди. Аниқроғи, Асрор томоғигача кўмилиб, сув билан айланар, жарликка тушиб кетишни ўйласа, жони ҳалқумига келарди.

Талваса ичида кафтига қаради. Камон ўқи йўқ! “Эвоҳ, шу ер сўнгги манзилимми?! Изсиз ўлиб кетаманми? Бойликка муккасидан кетганнинг пешонасига шундай қисмат ёзиладими?”

Кўксини пушаймонлик қоплади. Омон қолишдан умид қилиб, атрофга қарарди. Лекин сув кўтарилиб тушганга ўхшаб, уни гоҳ кўмиб, гоҳ юзага чиқарганда боши, пешонаси тошларга тегиб ғурралари кўпайди...

Ҳолдан тойиб, ўзини оқимга берганда сув пастлаб оёғи ерга тегди. Камарига қистирган ханжарни кўлга олиши билан учидан нур чиқиб, атроф ёришди. Ва ғор тоқчасидаги кулча бўлиб ётган илонни кўрдию, сесканиб кетди! У Асрор келганидан безовтага ўхшаб, бошини қилмирлатиб тилини чиқарди, ҳамлага тайёрланаётгандай таас сурот қолдирарди.

Оқим - аввалгидай оқади. Асрор қайтишни мўлжаллаган лаҳзаларда илон сувга туша бошлади. Қочса, етиб олади, ғордан ўзини ташласа, номнишонсиз кетади? У билан олишсинми?

У камарига кўл узатиб, тахтадай қотиб қолди: ханжар йўқ!

Илон аждарҳога ўхшаб, ваҳима солаётгандай.

Асрор жон талвасасида сув остини пайпаслади, аммо тополмади. Яна излади. Кўли майда тошларга қаттиқ тегиб тилинди, аммо эътибор бермас, гўё оғриқни сезмасди. Жаҳли чиқиб, асабий ҳолатда иккала кўли билан излади, силлиқ нарсага тегиб, сувдан олди. Эвоҳ! Даҳшат!!! Арвоҳни эслатувчи одам бош чаноғи! Кўз, бурун ва оғиз тешикларидан сувга кўшилиб майда тошлар оқарди. Асрор титроқ ичида уни илонга отди. Бу сафар кўлига оёқ суяги илинди. Униям отиб, сувга шўнғиди. Суяклар кўп экан. Улар орасида турган

ханжарни топди! Сувдан олиб, дастасини босувди, учидан нур чикди. Кучли, куйдирувчи нур! Таваккал илоннинг кўзига тўғрилади. Илон билтанглаб, ўзини ҳар томон ура бошлади.

- Қочиб қутулолмайсан! Сени ўлдирмасам, мени гумдон қилишинг аниқ!!

Илон вишиллаб, талвасага тушганда деворга уриларди.

- Лазер нури экан!- хулоса чиқарди Асрор.

Зудлик билан кафтига қаради: илон томонга оловсимон нур таралаяпти...

Илоннинг елкалари қорин томони куйиб қорайди ва ҳолдан тоя бошлади. Охирги марта девор томон чўзилиб, қонли бошини кўтарганда Асрор уни иккига бўлиб ташлади. Думи оқиб кетди. Бош томони Асрорга интиларди. У орқага тисарилди ва бошига бир неча марта нур юборди. Илон билтанглаб, шифтга урилиб қайтди-да, гирдобга қўшилиб бир-икки айланди ва жарга оқиб кетди. Ғор ичи тинчиб қолди.

- Худога шукур!- дея деворга суйанганча тин олди у. Бирдан кафтида стрелка пайдо бўлиб, деворини кўрсатди. Аммо у томон силлиқ, бирор нарсага ишора қилувчи белги йўқ. Стрелка “Яхшироқ қара!” дегандай, бошқа томонга қадалиб турибди!

У деворга яқинлашди ва дарзга ўхшаш тўртбурчак чизикни кўриб кўзларини катта-катта очди. У девордан ажралган туйнук қопқоғига ўхшарди.

Сув тиззадан пастроққа тушди. Ғордаги ваҳима илон билан бирга жарликка оқиб кетгандай. Юрак хотиржам тортди. У пичоғини олиб, дарзга суқиб кўрди. Аммо бир неча марта тикса ҳам қопқоқ қимирламади.

Энди бир томонига ханжарни, иккинчи ёғига пичоқни суқиб, тепага босувди, дарз кенгайиб, қопқоқ қимирлади. Унга куч кирди... Қопқоқ ўзи томонга силжиди. Бироздан кейин ташқарига анча сурилди. Ҳатто унинг бошига тушиш арафасида ўзи ушлаб қолди. Секин-аста, титраб-қақшаб, ичкарига қаради. Тарошланган девор! Бўшлиқнинг супа қисмини кўли билан пайпаслаб, дарзга ўхшаган айлана чизик иккинчи қопқоқ эканлиги тезда маълум бўлди. Уни ҳам кўтариб, чуқурликка қаради. Ва парда ортидан билинар-билинемас ёруғлик кўринди. Юраги тошиб, унга кўл чўзди. Дағал матони ушлаб, бармоқлари пастроққа ўрмалаганда силлиқ нарса сездди. Уни тортиб оламан деб, ёнига мункиб кетди ва майиб бўлишга бир баҳя қолди. Катта қовундай келадиган бу идиш зилдай вазмин! Оғиз қисмидан ушлаб, идишни ярим кўтарганда кўлидан тушиб кетди. Бошқатдан кўтарди. Зилдай оғир идиш мис кўза эди! Асрор қувонч ва талваса ичида чилвир билан боғланган тери қопқоқни сидириб очмоқчи бўлди, аммо очиш тугул, чилвирнинг тугилган жойини тополмади. Нима қилсин?

У кўзани ёруғ жойга олиб келди. Ва боғлам орасига киргизилган чилвир учуни пичоқнинг учида ўзига тортди. Сирғалиб чиқа бошлади.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/3497> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/3497> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/3497>